

**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимидағи муассасаларида
психологик хизмат тўғрисидаги**

Н И З О М

I. Умумий қоидалар

1.1. Халқ таълими тизими муассасаларида болалар ва ўқувчиларни психологик-педагогик кўллаб-кувватлаш хизмати (кейинги ўринларда Психологик хизмат деб аталади) “Таълим тўғрисида”, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сонли қарори билан тасдиқланган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган дастури”нинг 23-бандига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи 140-қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом талаблари асосида ташкил этилади ва Халқ таълими тизимининг муҳим қисми ҳисобланади.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий сиёсатида шахс манфаатлари ва таълим устуворлиги, узлуксиз таълим жарабёнида миллий ўзликни англаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзлаштириш, баркамол инсонни шакллантириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири – таълим эҳтиёжларининг қондирилиши жарабёнида ўқувчининг қобилияtlарини, имкониятларини, ўзига хос ҳусусиятларини ўрганиш, йўналтириш ва ривожлантириш мақсадида мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, маҳсус таълим муассасаларида психологик хизмат жорий этилади.

1.3. Таълим муассасаларида жорий этиладиган психологик хизмат мазмуни, психологларнинг иш кўлами ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис Маркази, Республика илмий-методик ташкилотлари, вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бошқарув органлари, малака ошириш институтлари томонидан ишлаб чиқилган меъёрий хужжатлар, тавсияномалар, йўриқномалар, методик қўлланмалар билан белгиланади.

Мазкур Низомда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимидағи муассасаларда Психологик хизматнинг мақсади, вазифалари ҳамда фаолиятининг ташкилий асослари белгиланган.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассасаларида Психологик хизмат тизими болалар ва ўқувчиларга узлуксиз психологик хизмат кўрсатишни таъминлайди ва қуидаги тартибда ташкил этилади:

Юқори даражса. Психологик хизматнинг асосий йўналишларини белгилаш, тегишли меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш, барча бўғинларда психологлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни ахборот ва илмий-услубий таъминлаш Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази (кейинги ўринларда Республика ташхис Маркази деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Ўрта даражса. Психологик методикалар, технологиялар ва меъёрий хужжатларни амалиётга жорий этиш шунингдек, бевосита таълим муассасалари психологларига услубий ҳамда амалий ёрдам беришга йўналтирилган фаолият Қорақалпоғистон Республикаси XTB, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари таркибидаги ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидағи ўқувчиларни касбга йўналтириш ва педагогик-психологик диагностикасини методик таъминлаш кичик гурухлари томонидан амалга оширилади.

Туман(шахар) халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган мактаб психологларнинг методик бирлашмалари ҳам мазкур жараёнда фаол иштироқ этади.

Асосий (ижро этувчи) даражса. Мазкур Низом билан тасдиқланган психологик хизмат вазифаларининг бевосита бажарилиши мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ихтинослаштирилган мактаблар, маҳсус мактаб, мактаб-интернатлар ва “Мехрибонлик уйлари” психологлари томонидан таъминланади.

1.5. Психологик хизмат тизими ўз фаолиятини Республика ташхис Марказининг ташкилий ва услубий раҳбарлигида амалга оширади.

1.6. Психологик хизмати тизимида фаолият кўрсатиш учун “психология фани” ихтинослиги бўйича олий маълумотга эга бўлган психологлар ёки қайта тайёрлашдан ўтиб, “амалиётчи психолог” малакасига эга бўлган олий маълумотли педагоглар жалб этилади.

Бунда, “амалиётчи психолог” малакасини эгаллаш учун қайта тайёрлашга қўйиладиган педагогларнинг таркиби мутахассислари бўйича белгиланади ва ХТВнинг қарори билан тасдиқланади.

II. Психологик хизматнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Психологик хизматнинг мақсади - шахснинг ҳар томонлама шаклланиши, ривожланиши, самарали ижтимоийлашуви ва мослашуви, болалар ривожланишининг барча ёш даврларида психологик саломатлигини муҳофаза қилиш учун психологик-педагогик шарт-шароит яратишдан иборат.

2.2. Психологик хизматининг асосий вазифалари:

турли ёш даврларда болаларнинг шахсий, ақлий ва ижтимоий ривожланишини психологик жиҳатдан кузатиб бориш, таълим-тарбиядаги психологик нуқсонларини аниқлаш, уларнинг ақлий ва ижтимоий тараққиётида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оғишларни олдини олиш;

психологик маърифат ва ташвиқот, психологик-педагогик ташхис, корекцион-ривожлантирувчи, психопрофилактика ва психологик маслаҳат ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик диагностика ишларини тубдан яхшилаш, самарадорлигини ошириш;

ўқувчиларнинг қизиқишилари, мойилликлари, қобилиятларини ташхислаш асосида уларнинг касбий ўзлигини англашини психологик таъминлаш;

педагогик жамоаларда соғлом психологик муҳитни қўллаб-куватлаш, жамоа аъзоларининг ҳиссий-эмоционал ҳолатларини, шахслараро муносабатларини ва зиддиятли ҳатти-харакатларини корекциялаш, уларнинг психологик маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш;

таълим жараёни барча субъектларининг психологик саломатлигини сақлаш учун шароитлар яратиш, оиласда, ўқувчилар ва педагогик жамоаларида носоғлом психологик иқлим муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш, келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш ва энг мақбул ечимларини топиш орқали уларни бартараф этиш;

ижтимоий муаммолари ва хулқида оғишлиги мавжуд болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий установкалари, муносабатлари, хулқ-атвор мотивларини ўрганиш, уларнинг мактабга ва ижтимоий муҳитга мослаша олмаслик ҳолатларини корекциялаш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

психология фани ютуқлари, инновацион психологик методика ва технологияларни таълим жараёни ва психологик амалиётига татбиқ этиш;

истеъдодли ўсмир ва қизларни излаб топиш, иқтидорли болалар ва ўкувчи ёшларни қўллаб-куватлаш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш, шахсий ва интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш;

уларнинг қобилият, қизиқишилари ва лаёқатлари ҳамда касб-хунарга мойилликлари асосида келажакдаги касбларини тўғри танлашларига ёрдам кўрсатиш, касб танлашдаги мавжуд камчиликлар, иккиланишлар, қарорсизлик ва бошқа турли сабабларга кўра касб танлашдаги бузилишларнинг олдини олиш.

III. Психологик хизматнинг асосий йўналишлари ва мазмуни.

3. Психологик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- психологик маърифат ва ташвиқот;
- психологик ташхис (диагностика);
- психологик профилактика;
- психологик коррекция ва ривожлантириш;
- психологик маслаҳатлар;
- касб-хунарга йўналтириш.

3.1. Психологик маърифат ва ташвиқот – педагог ва ўкувчилар (тарбияланувчилар)нинг шунингдек, ота-оналарнинг психологик билимларини шакллантириш ва боитиш, психологик маданиятини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Психологик маърифатнинг вазифалари:

ўкувчиларга психология фанидан дастлабки (энг оддий) билимларни бериш ва улар томонидан бу билимларни эгаллашларига эришиш;

ўсмирлар, йигит ва қизларнинг жинсий тарбияси, уларнинг оила психологияси ва оиласи муносабатлар, шахсий гигиена ва касалликларнинг олдини олиш соҳасидаги билимларни шакллантириш;

ҳар бир болага индивидуал ёндашувни амалга оширишда педагоглар, тарбиячилар, ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг психологик саводхонлиги ва компетентлигини ошириш;

шахснинг онгли равишда касб-хунар танлашини шакллантириш ва ривожлантиришда уларга бунинг аҳамиятини тушунтириш.

Психологик маърифат ва ташвиқот йўналишидаги ишлар: психология фани мавзулари бўйича факультатив ва тўгарак машғулотлари, ўкувчилар учун ёш психологлар клуби, ўкув жараёнининг асосий субъектлари билан якка тартибдаги сұхбат ва маслаҳатлар, ўқитувчилар учун семинар ва тренинглар, ота-оналар йиғилишларида маърузалар билан чиқишлиар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали психологик билимларни тарғиб қилиш каби шаклларда ташкил этилиши мумкин.

3.2. Психологик-педагогик ташхис - мактабгача ёшидаги болалар ва мактаб ўкувчиларни психологик жиҳатдан узлуксиз ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг индивидуал-психологик ва шахс хусусиятларини - қизиқишилари, лаёқатлари, қобилияtlари, ижтимоий муносабатлари, билиш ва ўкув фаолияти мотивацияларини, ўқиш ва хулқ-авторидаги нуқсонларнинг сабабларини аниқлаш ва таҳлил этиш мақсадида амалга оширилади.

Психологик-педагогик ташхиснинг вазифалари:

таълим муассасасидаги болаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги иштироки ҳар бир воқеа, ҳолат, ходисаларга муносабатларининг асл сабабларини ўрганиш, диагностик таҳлил этиш;

боғча ёшидаги болалар ва мактаб ўқувчиларининг қизиқишлири, мойиллиги, истеъоди ва иқтидоридаги асосий йўналиши, унинг даражасини (IQ) аниқлаш;

мактаб ёшидаги болаларнинг бошлангич синфларда ўқишга тайёргарлигини ўрганиш мақсадида уларнинг психологик ривожланиши ва қобилияtlарини аниқлаш;

мактабнинг 1-синфига қабул қилинган ўқувчиларнинг мактабга психологик мослашуви ва ривожланиш динамикасини ўрганиш;

ўқувчилар (тарбияланувчилар) ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш;

бошлангич синф ўқувчиларининг чет тили фанларини ўзлаштиришидаги психофизиологик ҳолатларни ўрганиш, уларда коммуникатив қобилияtlари ҳамда билиш жараёнларининг (сезги, диққат, идрок, хотира, тафаккур, хаёл) ривожлантирилганлигини таҳлил этиб бориш;

4-синф ўқувчиларининг ақлий ривожланишидаги сифат ўзгаришлар, 5-синф ўқувчиларининг янги ижтимоий мухитга мослашуви, ўкув фаолияти, билим, қўнишка ва малакаларни (қобилият) эгаллаш динамикаси, шахс сифатлари, шахслараро муносабатлар шаклланишини кузатиб бориш ва таҳлил этиш;

ўқувчиларининг шахсий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланиши, таълим ва тарбиядаги психологик нуқсонлари, уларнинг қобилияtlари ҳамда касб-хунарга мойиллик, қизиқишлири ўрганиш;

ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда психологик ташхис ўтказиш, уларда қайси (олий таълим ёки) ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муссасасида ўқиш истаги борлигини олдиндан ўрганиш, таълими йўналишини ва мутахассисликни танлашида уларнинг қизиқиши, билиш қобилияtlари ва лаёқатини аниқлаш;

ихтинослаштирилган давлат умумтаълим мактабларига ўқувчиларни қабул қилишда уларнинг иқтидори ва билиш қобилияtlарини аниқлаш ва баҳолаш;

тарбияси кийин, девиант хулқилар, ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиларнинг интеллектуал жиҳатдан ривожланишини ва шахс хусусиятларини аниқлаш, хулқ-атвор мотивларини ва хулқида оғишлар пайдо бўлиши сабларини ўрганиш;

шахсий муаммоларнинг ечимини топиш ва уларга зарур психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида ота-оналар, педагоглар (уларнинг розилиги билан) билан ташхис ишларини олиб бориш.

Психологик ташхис жараёни - турли психологик ташхис методикалари ёрдамида ўқувчилар (тарбияланувчилар) билан сўровномалар ва тест-синовларни ўтказиш;

турли ўкув фанлар бўйича дарс ва дарсдан ташқари машғулотларини кузатиш, натижаларни “Психологик-педагогик ташхис дафтари”да қайд этиб бориш ва таҳлил этиш;

ўқувчилар, ота-оналар ва педагоглар билан суҳбатлар ўтказиш ва савол-жавоб тадбирларини ташкил этиш;

боланинг уйдаги шароитларини, оиласиий мухити ва ўзаро муносабатларини ўрганиш, унинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни кузатиш ва таҳлил этиш;

ташхис натижалари билан ўқувчилар, ота-оналар ёки қонуний вакиллари, педагогларни таништириш каби шаклларда ташкил этилиши мумкин.

3.3. Психологик профилактика – болаларнинг психологик саломатлигидаги бузилишлар, уларнинг ақлий тараққиётида, шахсий ва ижтимоий ривожланишидаги салбий оғишларни ўз вақтида олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар.

Психологик профилактиканинг вазифалари:

психологик ташхис натижасида аниқланган бола ривожланишидаги барча салбий иллатларнинг олдини олиш;

сұхбатлашиш ва ташхис текширувлари натижалари, шунингдек, ота-оналар ёки қонуний вакиллар ва педагоглардан олинган маълумотлар асосида болаларнинг психологик саломатлигини тиклаш;

ижтимоий-психологик муаммолари мавжуд, хулқида оғувчанлиги бўлган болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг олдини олишга қаратилган чораларини кўриш;

вояга етмаган болаларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича чоралар белгилаш, уларни ота-оналар ва синф раҳбарлари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

асабий-психик зўриқишиш ва шахс сифатларининг бузилиши аломатлари аниқланган, шунингдек, аддиктив қарамлиқда бўлган (наркотиклар, токсик моддаларга ружу қўйиш, интернет-қарамлик ва бошқа шу каби ҳолатлардаги) ўсмирларга психологик ёрдам кўрсатиш;

болаларнинг катталар ва тенгдошлари билан бўладиган мулоқоти ҳамда муносабатларида психологик шикаст етказувчи омилларни бартараф этишга ёрдам кўрсатиш;

ўқувчиларда (таълим босқичи, тури, йўналиши ва) касб танлашдаги мавжуд камчиликлар, иккиланишлар, қарорсизлик, ва бошқа турли сабабларга кўра касб танлашдаги бузилишларнинг олдини олиш, болалар ва ўсмирларни ўз қизиқишилари, мойилликлари, қобилиятлари ва билимларини тадбиқ этишни хоҳлаган ҳаётий фаолият соҳаларини англаш этишга тайёрлаш;

шахс ва жамоага ижобий психологик таъсир кўрсатиш, руҳий-асаб ва психосоматик касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш;

ота-оналар ёки қонуний вакилларга, педагогларга (уларнинг розилиги билан) шахслараро муносабатларда, оиласда ёки педагогик жамоада носоғлом психологик иқлим муаммоларини ҳал этишда психологик ёрдам кўрсатиш, психологик шикаст етказувчи омиллар таъсирини бартараф этиш бўйича чоралар кўриш.

Психологик профилактика фаолияти қўйдаги шаклларида ташкил этилиши мумкин:

психологик ёрдамга муҳтож бўлган шахс билан якка тартибдаги сұхбат ва маслаҳатлар ўтказиш;

ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар йиғилишларида аниқланган муаммолар мавзуларига бағищланган маъruzалар ва тақдимотлар билан чиқишилар қилиш, видеофильмлар кўрсатиш;

соғликни сақлаш тизими ходимлари, психиатрия фани мутахассислари, махалла оқсоқоллари, ички ишлар органлари ходимлари билан учрашувлар ва сұхбатларни ташкил этиш;

психологик маърифат ва ташвиқот имкониятлари ва усууларидан кенг фойдаланиш.

3.4. Психологик коррекция ва ривожлантириш - шахснинг шаклланиши ва психик ривожланишида содир бўлган салбий бурилиш ва нуксонларни, руҳий оғиш ва кечикишиларни бартараф этиш, ижтимоий-психологик мухитни соғломлаштириш,

шахслараро муносабатлардаги зиддият ва низоларни юмшатиш, тарбияланувчилар (ўкувчилар) муомаласи ва хулқ-аворидаги бузилишларни тузатиш, шахснинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган фаолият.

Психологик коррекция ва ривожлантиришнинг вазифалари:

турли ёшдаги болаларнинг психик, ақлий ва шахсий ривожланишидаги салбий ўзгаришлар ва оғишларни бартараф этиш;

ўкувчилар (тарбияланувчилар)даги онгидаги ўзгарувчан психик жараёнлар, ижтимоий ҳаётдаги муносабатларга салбий ёндошиш ҳолатларини коррекциялаш;

таълим ва мустақил ўкув фаолияти жараённада ўкувчиларнинг билиш фаоллиги ҳамда қизиқишлигини ривожлантириш мақсадида уларнинг интеллектуал пассивлигини коррекциялаш;

ижтимоий-психологик муаммолари мавжуд, хулқида оғувчанлиги бўлган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий ҳаётдаги муносабатлари, хулқ-автор мотивларини, уларнинг мактабга ва ижтимоий мухитга етарли даражада мослаша олмаслик ҳолатларини коррекциялаш;

педагогик жамоа аъзоларининг хиссий-эмоционал ҳолатларини, таълим-тарбия жараёни барча субъектлари ўртасидаги шахслараро муносабатларини ва зиддиятли хатти-ҳаракатларини коррекциялаш, уларнинг психологик маданиятини юксалтириш, раҳбарларнинг бошқарув услубини оптималлаштириш.

Психологик коррекция фаолияти якка, гурухий ва оилавий тартибда олиб борилади, ўйин, мулоқот, сухбат, тренинг, машқ ва машғулотлар шаклларида ташкил этилади.

3.5. Психологик маслаҳат - ўкувчилар, тарбияланувчилар, уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакилларига, таълим муассасаларининг раҳбарлари ва педагогларига касбий ва ҳаётий муаммоларни ва зиддиятли муносабатларни ҳал этилишида психологик ёрдам кўрсатиш, уларни ўз психологик саломатлигини мухофаза қилишга ўргатиш, тўғри қарорлар қабул қилиш ва ички психологик имкониятлардан фойдаланиш учун шароит яратишга йўналтирилган фаолият.

Психологик маслаҳатларнинг вазифалари:

таълим муассасалари ходимларига болаларнинг руҳий, ақлий, шахсий ва ижтимоий ривожланишининг ёш хусусиятлари, ривожланишдан орқада қолиши ва бузилишлари ҳамда кечикишлар, уларни коррекциялаш, шунингдек, болаларни бошланғич синфда ўқишга ва мактабга мослашувга психологик тайёрлаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

болаларнинг бошланғич синфлардан ўрта синфларга ўтиши, шунингдек, мактабни битириш ва таълимнинг кейинги босқичида таълим тури ва муассасаси (университет, академик лицей, касб-хунар коллежи)ни танлаш масалаларида ўкувчилар, ота-оналар ёки қонуний вакилларга маслаҳатлар бериш;

мактаб - интернатлар, меҳрибонлик уйлари, шунингдек, етим болалар таълим олаётган умумтаълим муассасалари ходимларига таълим-тарбия, болаларнинг ижтимоийлашуви ва мослашувини психологик кузатиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

таълим муассасалари раҳбарларига педагогик жамоани бошқаришни оптималлаштириш, кўл остидаги ходимлар билан шахслараро муносабатлар, юзага келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш ҳамда соғлом психологик мухитни таъминлаш масалаларида маслаҳатлар бериш;

ўкувчилар ва тарбияланувчиларда мустақил таълим олиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини коррекциялашга ижобий муносабатларни шакллантириш ҳамда уларни амалиётда кўллаш бўйича тавсиялар бериш;

мактаб-интернатлар, “Мехрибонлик уйлари” ходимларига, шунингдек, ота-она қаровисиз қолган етим болалар таълим олаётган мактабларнинг педагогларига бу болаларнинг таълим- тарбия олиши, психологик ҳамроҳлик, ижтимоийлашуви ва мослашуви масалаларида маслаҳатлар бериш;

Психологик маслаҳат якка тартибда ва гурӯҳий сұхбатлар тарзида ўтказилади шунингдек, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, психиатрия фани мутахассислари, махалла оқсоқоллари, ҳуқук-тарғибот идоралари ходимлари билан учрашувлар ҳамда давра сұхбатлари шаклларида ташкил этилади ва профилактик- коррекцион характерга эга бўлади.

3.6. Касб-хунарга йўналтириш - ўкувчиларнинг индивидуал қизиқишлари, мойилликлари, лаёқати, қобилиятларини ташхиси натижаларига мос, жамият ва меҳнат бозорининг муайян касб ва мутахассисликларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда касб-хунарларни онгли ва мустақил танлаш учун тайёрлаш, уларни касбий ўзлигини англашлари учун ёрдам беришга қаратилган психологик-педагогик фаолият.

Касб - хунарга йўналтиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари:

касбий маърифат - ўкувчиларга турли касблар, ихтисосликлар, мансаб лавозимлари, танланган касбни, ихтисосликни эгаллаш мумкин бўлган таълим босқичлари, турлари ҳамда таълим муассасалари, шунингдек, касбнинг инсонга, унинг жисмоний, психологик ва шахсий сифатларига, саломатлигига қўядиган талаблари ҳақида маълумотлар бериш;

касбий ташхис – ўкувчиларнинг билиш (ўкув предметларига, фанга) ва касбий (касбларга, мутахассисликларга) қизиқишларини, касб танлаш мотивлари ва касбий режаларини аниқлаш ҳамда баҳолаш;

касбий маслаҳат - ўкувчиларга уларнинг индивидуал хусусиятлари ва меҳнат бозори талабларига, таълим олиш ҳамда келгусида ишга жойлашиш имкониятларига мувофиқ касб ва таълим муассасасини танлашга ёрдам бериш;

касбий тарбия - болалар ва ўсмирларда меҳнат малака ва қўнималарини, касбларга қизиқиши, меҳнатсеварлик, ишchanлик ҳамда маъсулиятни шакллантириш ва ривожлантириш.

Ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш бўйича тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги, Республика ташхис маркази буйруқлари, фармойишлари, меъёрий хужжатлари ва методик тавсиялари асосида ташкил этилади ва бевосита таълим муассасаларининг психологлари томонидан амалга оширилади.

IV. Психологик хизматнинг фаолиятини ташкил этилиши

4.1. Республика ташхис маркази халқ таълими тизимидағи психологик хизматга умумий раҳбарлик қиласи ва психологик хизмат фаолияти йўналишида қўйидагиларни амалга оширади:

психологик хизмат фаолиятини белгиловчи ва тартибга солувчи меъёрий хужжатларни ишлаб чиқади ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Халқ таълими вазирлигига киритади;

Қорақалпогистон Республикаси XTB, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари таркибидаги ўкувчиларни касбга йўналтириш ва педагогик-психологик

диагностикасинаи методик таъминлаш кичик гурухлари психологияри бевосита Республика ташхис маркази директори томонидан (ёки Республика ташхис маркази директори билан келишилган ҳолда) тайинланади ва вазифасидан озод қилинади;

халқ таълими тизимидағи психологик хизматнинг ташкил этилиши маниторингини олиб боради, фаолияти самарадорлигини ўрганади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

психологик хизматни амалга ошириш ва ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш бўйича илгор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганади ва оммалаштиради, таълим амалиётига жорий этади;

психологик хизмат соҳасидаги инновацияларини психологлар фаолиятига тадбиқ этиш ва уни янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар белгилайди ва амалга оширади;

психологик хизматни такомиллаштириш муаммолари, хусусан болалар хуқуклари, саломатлиги муҳофазаси, ижтимоий ҳимояси ва мослашуви, ўсмирлар ўртасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича республика илмий-амалий конференциялари ва семинарларини ташкил этади;

психологларнинг малака оширишлари, аттестациядан ўтказилиши, уларга белгилangan тартибда малака тоифалари берилиши мониторингини ташкил этади ва амалга оширади.

психологик хизматнинг ташкил этилиши ва фаолияти самарадорлиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси XTB, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари таркибидаги ўкувчиларни касбга йўналтириш ва педагогик-психологик диагностикасинаи методик таъминлаш кичик гурухлари хисоботларини кўриб чиқади ва таҳлили натижаси бўйича тегишли қарорларни қабул қиласди;

психологик-педагогик йўналишда таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва Халқ таълими вазирлиги раҳбариятига киритади;

шахснинг ҳар томонлама шаклланиши ва уйғун ривожланиши, ўкувчиларни узлуксиз касб - хунарга йўналтириш вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда психологик хизмат самарадорлигини оширишда ахборот ва илмий - методик таъминотини йўлга қўяди;

психологлар амалиётда қўллашлари учун ўкувчиларни психологик-педагогик ташхисдан ўтказиш методикаларини (анкеталар, тестлар, сўровномаларни), касб-хунарга йўналтириш дастурлари ва методикаларини, шунингдек, психопрофилактика дастурларини, психологик тренингларни, тегишли методик тавсияларни тажриба-синовдан ўтказади ва шароитга мослаштиради;

психологик хизматининг фаолиятига оид услубий материалларни яратилиши ва амалиётга жорий этилиши Республика ташхис маркази хузуридаги жамоатчилик асосида ташкил этиладиган Илмий-Методик Кенгаши томонидан мувофиқлаштирилади. Кенгаш таркиби манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда уларнинг вакилларидан шакллантирилади ва халқ таълими вазири томонидан тасдиқланади.

Республика ташхис маркази хузуридаги жамоатчилик асосида ташкил этилган Илмий-Методик Кенгаш ўзининг Низомида белгилangan асосий вазифалари ва ваколатлари доирасида фаолиятини олиб боради.

4.2. Қорақалпоғистон Республикаси XTB, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари таркибидаги ўкувчиларни касбга йўналтириш ва педагогик-психологик диагностикасинаи методик таъминлаш кичик гурухлари томонидан психологик хизмат йўналишида қуйидагилар амалга оширилади:

тасарруфидаги таълим муассасаларида психологик хизматни амалга оширилишига методик раҳбарлик қиласи ва фаолият назоратини олиб боради;

Республика ташхис маркази, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, шунингдек, бошқа болалар ташкилотлари ва илмий муассасалар томонидан ишлаб чиқилган психологик хизматга доир меъёрий ҳужжатларни, методик, дастурий ва ўкув материалларини амалиётта жорий этади;

мактаб амалиётчи психологларига болалар, уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари, шунингдек, таълим муассасалари педагоглари билан ишлашда методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

тасарруфидаги таълим муассасаларида психологик хизматнинг ташкил этилиши маниторингини олиб боради, фаолияти самарадорлигини ўрганади, аниқланган камчиликларни бартараф этишга амалий ёрдам кўрсатади.

илгор иш тажрибаларни ўрганади ва оммалаштиради, таълим муассасалари амалиётига жорий этади;

психологик хизматни соҳаси бўйича ҳудудий, туман (шаҳар) миқёсидаги анжуманлар ва ўкув-амалий семинарларини ташкил этади;

психологлар малакасини оширишни ташкил этади, уларни аттестациядан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш юзасидан таклифлар тайёрлайди, малака тоифалари берилишининг ҳисобини юритади.

психологик хизматнинг ташкил этилиши ва фаолияти самарадорлиги бўйича туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидаги психологик хизмати ходимларига методик ёрдам кўрсатиш, ўкувчиларни касбга йўналтириш ва педагогик-психологик диагностикасини методик таъминлаш кичик гурухлари ҳисботларини ўрганади ва таҳлили натижаси бўйича тавсиялар беради

4.3. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидаги психологик хизмати ходимларига методик ёрдам кўрсатиш, ўкувчиларни касбга йўналтириш ва педагогик-психологик диагностикасини методик таъминлаш кичик гурухнинг фаолияти мазкур Низомнинг 9 бандида кўрсатилган тартибда ташкил этилади ва амалга оширилади. Унинг раҳбари лавозимига, Республика ташхис маркази директори билан келишилган ҳолда, олий маълумотга эга бўлган психолог тайинланади.

4.4. Мактабгача, умумий ўрта таълим муассасалари, ихтисослаштирилган мактаблар, “Мехрибонлик уйлари”, маҳсус мактаб ва мактаб-интернатлари раҳбарларининг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

таълим муассасада психологик хизматнинг ташкил этилишига умумий раҳбарлик қилиш, психологнинг иш режасини (йиллик, чораклик, ойлик) кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

психологнинг самарали фаолият юритиши учун зарур ташкилий ва моддий - техник шароитларни яратиш;

психолог фаолиятини зарур психологик адабиётлар, илмий - методик, ўкув-дидактик ва кўргазмали материаллари, ўкув видиофильмлари, муайян психологик методикалари (тестлари) билан таъминлаш;

ота-оналар ва педагоглар учун ўтказиладиган психологик маърифий тадбирларни (сухбатлар, маърузалар, семинарлар, тренингларни) ташкил этиш шунингдек, диагностик, коррекцион, профилактик тадбирлар ва психологик маслаҳатларини ўтказишида психологга амалий ёрдам кўрсатиш;

таълим муассасасида амалга оширилган психологик хизмат фаолияти натижаларини раҳбар ҳузуридаги йиғилишларда, педагогика кенгашларида, жамоа йиғинларида кўриб чиқиш;

психолог фаолиятининг барча йўналишлари ва натижаларини назорат қилиш, иш режаси бажарилиши юзасидан ойлик, чораклик, йиллик ҳисботларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

4.5. Таълим муассаса психологининг вазифалари:

ўз фаолиятини мазкур Низомда ҳамда Республика ташхис маркази қошидаги Илмий-методик кенгаш қарорлари билан тасдиқланган тавсияларига мувофиқ ташкил этиш;

Низомда белгиланган психологик хизматининг ҳар бир йўналиши ва иш турлари бўйича ўз фаолиятини режалаштириш, режаларни тасдиқлаш учун таълим муассаса раҳбарига тақдим этиш, улар ижросини таъминлаш;

ҳар бир йўналишда режалаштирилган иш турлари ва тадбирларни амалга ошириш бўйича хужжатлар ва ишланмаларни (машғулот режалари, сухбатлар сценарийлари, семинар ва тренинг машғулотлари ва турли дастурларини, ташхис натижалари бўйича маълумотнома, хуносалар ва ҳоказоларни) Республика ташхис маркази тавсияларига мувофиқ тайёрлаш;

ўз фаолиятининг барча йўналишлари бўйича бажарилган ишлар натижаларини ва ижроси юзасидан маълумотларни мунтазам қайд этиб боришни Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб ва хужжатлар шаклида амалга ошириш;

таълим муассасада психолог хонасини “Умумтаълим мактабларида психологик хизмат хонасини ташкил этиш юзасидан йўриқнома” талабларига мувофиқ ташкил этиш ва уни меъёрий хужжатларда белгиланган талаблари асосида жиҳозлаш бўйича чоралар кўриш;

режалар ижроси юзасидан ҳисботлар тайёрлаш, уларни таълим муассаса директорига тақдим этиш;

таълим муассасанинг раҳбари ҳузуридаги йиғилишларда, педагогика кенгашларида, метод кенгаш ва жамоа йиғинларида ҳамда туман(шахар) халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган психологларнинг методик (услубий) бирлашмаси фаолиятида иштироқ этиш;

ўқувчиларни (тарбияланувчиларни), педагогларнинг психологик саломатлигини муҳофаза этиш;

ижтимоий-психологик муаммолари мавжуд, хулқида оғувчанлиги бўлган болалар ва ўсмиirlар ҳамда ўзлаштириши суст бўлган ўқувчилар билан тегишли психологик чоратадбирларни амалга ошириш;

информацион хуружларнинг хавфи, интернетнинг салбий таъсирини, ёшлар тарбиясига катта хавф колаётган “оммавий маданият”нинг кириб келиши, вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан турли хил хуқуқбузарлик, ўз-жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш каби йўналишлар бўйича чоралар белгилаш ва амалга ошириш;

мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги доирасида амалга ошириладиган тадбирларда фаол иштироқ этиш;

ижтимоий-психологик муаммолари мавжуд, хулқида оғувчанлиги бўлган хуқуқбузарлик содир этган болалар ва ўсмиirlар билан профилактик ишларни амалга оширишда синф раҳбарлари ва туман вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан ҳамкорлик ишларини олиб бориш, психологик тавсифномалар тайёрлаш, комиссия қарорларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

ўзининг касбий маҳоратини ошириш мақсадида режали асосда малака ошириш курсларига қатнашиш, илғор иш тажрибаларини ҳамда соҳасига оид янги илмий-услубий адабиётларни ўрганиш;

ўқитувчига дарс жараёнини самарали ташкил этишнинг психологик механизмини тавсия этиш.

V. Психологларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

5.1. Психолог педагогик жамоанинг teng ҳуқуқли аъзоси, таълим жараёнининг бевосита иштирокчиси сифатида педагоглар учун белгиланган барча кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланиш, бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига эга.

5.2. Психологларнинг малака оширишлари ва аттестациялари педагоглар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.3. Мазкур Низомда белгиланган вазифаларини амалга ошириш мақсадида психолог қуидаги ҳуқуқларга эга:

болалар, уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари, шунингдек, таълим муассасаси педагоглари билан олиб бориладиган ишларнинг муайян йўналишларини мустақил шакллантириш;

психологик хизматни амалга ошириш доирасида тадбирларнинг кетма-кетлигини белгилашни ўзи ҳал этиш, мактабгача таълим, умумтаълим муассасаси, меҳрибонлик уйи педагогик фаолиятининг ўзига хос томонлари, муайян шарт - шароитлари ва контингентини ҳисобга олган ҳолда устувор йўналишларни белгилаш;

таълим муассасаси раҳбариятига ўзи учун хона, мебель жиҳозлари, компьютер ва бошқа техника воситалари, идора буюмлари ажратилиши тўғрисидаги талабномалар билан мурожаат қилиш;

таълим муассасаси маъмурияти билан келишган ҳолда синфдаги ва синфдан ташқари машғулотларда шунингдек, бошқа тадбирларда ўқувчиларнинг хулқ-атвори ҳамда индивидуал хусусиятларини, уларнинг ўқишга, синф раҳбари ва ўқитувчилар билан муомала муносабатини ўрганиш мақсадида иштирок этиши;

дарслар, машғулотлар, тарбиявий тадбирларни кузатиш, таҳлил этиш, синфлар ва ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатлари билан танишиш, тегишли таклиф ва маслаҳатлар бериш;

педагогик ва методик кенгашларда, услубий бирлашмаларнинг йигилишларида аъзо сифатида, таклиф этилганда ёки касбий эҳтиёжлари асосида иштирок этиши;

психологик-педагогик ташхисга оид янги методикалар, психопрофилактика ва коррекцион - ривожлантирувчи дастурларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказишида қатнашиш, уларни амалиётга жорий этишда иштирок этиши;

психологик тадқиқот ва тажрибалар ўтказиш, уларнинг натижаларини илмий журналларда ҳамда бошқа матбуот нашрларида эълон қилиш;

муассаса маъмурияти кўрсатмалари психологнинг мазкур Низомда белгиланган фаолият йўналишлари, вазифалари ва мажбуриятларига зид бўлса, уларни бажармаслик;

болалар тақдирини ҳал этувчи турли идоралар ва комиссиялар ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашиш, қабул қилинган қарорлар қониқтирумagan ҳолатларда юқори турувчи идораларга мурожаат қилиш;

жойлардаги давлат ҳокимияти идораларига, тиббиёт ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасаларига, бошқа давлат ва жамоат ташкилотларига болалар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича илтимосномалар билан мурожаат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳалқ таълими тизими муассасалари ходимлари учун назарда тутилган рағбатлантириш ва имтиёзлардан фойдаланиш.

5.4. Психолог тарбияланувчилар, ўқувчилар, уларнинг оиласлари ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди ва қуидагилар учун шахсан жавобгардир:

психологик ташхиснинг тўғрилиги, ташхис натижалари бўйича бериладиган тавсияларнинг асосланганлиги ва ўз фаолияти натижаларига;

иш фаолиятини режалаштириш, режалар ижросини таъминлаш, олинадиган натижалар ҳамда улар бўйича белгиланган тартибдаги ҳисоботларни тайёрлашга;

психологик маърифат, ташхис, психопрофилактика, коррекцион-ривожлантирувчи, маслаҳат тадбирларининг сифати ҳамда ўтказиш муддатларига риоя қилишга;

ўқувчилар (тарбияланувчилар) нинг ва таълим жараёни бошқа субъектларининг шахсий муаммоларига ҳамда ташхиси натижаларига оид психологик ва бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигига.

VI. Ҳалқ таълими тизимида психологнинг касбий мақоми ва малака тоифалари

6.1. Психологнинг касбий мақоми ва малака тоифалари Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими тизимида барча турдаги таълим муассасаларида қўлланишини тартибга солувчи ушбу Низом билан белгиланади.

6.2. Таълим муассасалари психологларининг касбий мақоми ва малака тоифалари ўқитувчи-педагоглар касбий мақоми ва малака тоифаларига тенглаштирилади. Психолог бажарган иши учун иш ҳақи тўлаш тарификация ва иш ҳақини ҳисоблаб чиқишининг ўқитувчилар учун белгиланган тартибиға мос равища амалга оширилади.

6.3. Психологларга базавий тариф ставкаларини белгилаш ва иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш уларнинг малака тоифалари ва таълим муассасасининг турига кўра табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, Директор жамғармасидан “синфдан ва мактабдан ташқари ишлари, муассасанинг ижтимоий ҳаётида қатнашиши ва ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришдаги фаолияти” учун иш ҳақига 15 фоизгача устама белгиланиши назарда тутилади.

6.4. Ҳалқ таълими муассасасининг штатдаги психологи учун маълумот даражасига ҳамда малака тоифаларига қуидаги талаблар белгиланади: психолог – мутухассис, 2-тоифали психолог, 1-тоифали психолог, олий тоифали психолог

6.5. Психологларга малака тоифаларини белгилаш Ҳалқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳорфаза қилиш вазирликлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган “Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисида Низом” га мувофиқ амалга оширилади. (В проекте постановления нужно предусмотреть порученческий пункт для МНО)

VII. Психологик хизматни молиялаштириш, психологлар меҳнатини рағбатлантириш

7.1. Умумий ўрта таълим муассасаларида психолог штат бирликлари ўқувчи сонига нисбатан белгиланади, яъни ўқувчилар сони 500 нафаргача бўлган умумтаълим мактабари учун 0,5 штат бирлиги, ўқувчилар сони 500 нафардан 1000 нафаргача бўлган мактаблар учун 1 штат бирлиги ва ҳар ортиб борган 500 нафар ўқувчилар сонига қўшимча 0,5 штат бирлиги ажратилади.

7.2. Психологнинг 1 штат бирлигига тўғри келадиган ҳафталик иш юкламаси 20 соатни ташкил этади. Таълим муассасанинг ҳар бир нафар психологи камидаги 0,5 штат бирлигига, энг кўпи 1,5 штат бирлигига ишлашига руҳсат берилади.

7.3. Таълим муассасаларидаги психологларнинг лавозим маошларини белгилаш, мукофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тартиби бошлангич синф ўқитувчилари (мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари) учун ўрнатилган тартибига тенглаштирилади ва шу асосда амалга оширилади.

7.4. Кўп йиллик меҳнатлари натижалари бўйича юқори натижаларга эришган психологлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мукофотларига тақдим этилади.